

Педагогические науки

УДК 378

**ПРАВОСУДИЕ И СПРАВЕДЛИВОСТЬ
РЕГУЛИРУЮТСЯ ОБРАЗОВАНИЕМ**С.С. Каримова¹*Аннотация*

В данной статье рассматривается роль и значение Указа Президента Республики Узбекистан (15.09.2017) «О мерах по дальнейшему развитию услуг неформального образования».

Ключевые слова: знание, навыки, умения, непрерывное образование, самостоятельная работа.

Бугунги кунда, бутун халқимиз жуда катта ишонч билан юртбошимиз бошлаган оламшумул ҳаракатлар яқин келажакда ҳайратомуз натижалар беришга умид боғлашяпти. Президентимизнинг бутун халқимизни ўз фарзандидек кўриб, ёшу қари ҳаммага баб-баробар ғамхўрлик қилаётганлиги, барча қилинаётган оламшумул ишлар, ана шу мақсадга мувофиқ эканлиги, қалбларимизда юртбошимизга нисбатан чексиз ҳурмат, беқиёс ғурур ва мутлақо ўзгача мамнуният туйғуларини уйғотади. Таълим ва илм-фанга қаратилган эътибор, айниқса ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган эътибор – нақадар муҳим. Китобхон инсон, китобсевар инсон, билимдон инсон фақат яхшиликларга қодир. Мазкур қарор таълим-тарбия соҳасини жуда кескин суратларда ривожлантиришни таъминлай оладиган қудратга, яъни РАҚОБАТГА кенг йўл очиб беради. Рақобат йўқ ерда кескин ривожланиш бўлмайди. Навбатдаги жуда муҳим масала қарорда таъкидланган СОҒЛОМ РАҚОБАТни яратишда.

Кўпгина ҳолларда мавжуд бўлгани каби таълим соҳасида ҳам унинг сифат жиҳатдан ривожланишига, қайси бир даражада тўсқинлик қилаётган ашадий кушандаси – субъектлар ўртасидаги (яъни таълим тарбия жараёнида иштирок этувчилар – ота-оналар, ўқитувчилар ва таълим муассасалари раҳбарияти ўртасидаги) муносабатлар тўлиғича объектив эмаслиги “олди-бердилар” – “порахўрликлар”, “таниш-билишчиликлар” – каби ақлга сиғмайдиган, ғайринсоний иллатларнинг мавжудлиги.

Демак таълим тизимининг мутлақо кечиктириб бўлмайдиган вазифаси ана шу иллатлардан қутилиш, субъектив муносабатларни таг-томири билан йўқ қилишдир.

Дастлаб ана шу шарт бажарилмаса кўплаб хорижий малакатлар ўз бошларидан кечирган ва кечираётган муаммолар юзага келиши табиийдир.

Қандай қилиб “субъектив” муносабатлар таг-томири билан йўқ қилинади? Бутун жараён чинакамига “объектив”- изда бўлиши учун яна қанча вақт керак бўлади?

Президентимиз ўзининг ҳар бир маърузасида, халқ олдида чиқишларида барча соҳаларда танқидни, очикчиликни, ошкораликни, адолат ва ҳалололикни тарғиб қилаётган экан, қўллаб-қувватлаётган экан ва кескин талаб қилаётган экан, бу муаммонинг ечими – “Ҳамирдан қил суғиргандек” осонгина ҳал бўлиши шубҳасиздир.

Бор йўғи биргина “Тартиб” таълим тизмига жорий қилинса ва ана шу “Тартиб” шартлари бажарилса кифоя. “Тартиб” ўқувчиларнинг ҳам,

¹Каримова Сафо Сагдуллаевна, преподаватель, Самаркандский государственный институт иностранных языков, Узбекистан.

студентларнинг ҳам, билимлари объектив, яъни дахлсиз равишда “Эталон тарози”да одилона баҳоланса бор муаммо ечилади. Бунинг учун тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппаратига бўйсинадиган ва тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот берадиган “Давлат назорати маркази” – ДНМ ташкил этилиши лозим бўлади. ДНМнинг асосий вазифаси – мактабгача ёшдаги фарзандларимизнинг ҳам, ўқувчи (студент) ёшларимизнинг ҳам билимларининг босқичма-босқич кафолатланганлик даражасида объектив баҳолаш, таклиф этилётган “Тартиб”ни амалга оширишдан иборатдир. Дахлсиз бўлишининг муҳимлиги таълим тизимида иштирок этувчи барча субъектларнинг фаолияти – ўқувчи (студент)лар олган билимларининг сифат даражасини аниқлаш учун ДНМ томонидан ўтказиладиган назоратлар натижалари билан баҳоланади.

ДНМнинг структураси ва иш услуби, шунингдек таклиф этилётган “Тартиб”нинг мазмун-моҳиятлари ва уни амалга ошириш йўллари мукаммал лойиҳа кўринишида ишлаб чиқилган, ҳозир эса зарур бўлган айрим жиҳатларни қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Мактабгача таълим ҳақида

Мактаб ёшигача бўлган фарзандларимиз, Ёши етиб, 1-синфга қабул қилинишида, бир ҳовучгина бўлса ҳам билимга эга бўлишлари талаб этилади. Масалан, ўқий олиши, қанчадир санай олиши кабилар.

Талаб этилган нормаларни бажармагунча, фарзандларимиз 1-синфга қабул қилинмаслиги ҳақида ота-оналар олдиндан билишлари шарт. Мисол учун №77-ўрта умумтаълим мактабининг 1-синфига ўқишга кириш учун рўйхатга олинганлар сони -100 та ўғил, қиз.

Улар ДНМ томонидан ишлаб чиқилган график асосида, (айтайлик октябрь ойида), болаларнинг уйлари яқинида жойлашган болалар боғчасида (ёки қайси бир ўқув марказида) биринчи бор суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат натижасига кўра, 100 тадан 25 ўғил-қиз тайёр эмаслиги аниқланади дейлик. Ана шу 25 ўғил-қизларнинг ота-оналари 1-августгача бўлган вақт ичида (9 ой) ўз фарзандларини мактабга тайёрламасалар, 1-синфга қабул қилинмаслиги ҳақида огоҳланирилади. Бу тадбир ана шу 25 ўғил-қиз учун март ойида 2 бор, зарур бўлса май ойида 3 мартаба ўтказилади. Кечи билан июль ойида Республика бўйича барча мактабларнинг 1-синфга қабул қилинганлар рўйхати тайёр бўлади. ДНМ томонидан ўказилган мактаболди тадбирларида, мактаб мутлақо аралашгани йўқ. Суҳбат ота-оналар учун ҳам нотаниш субъектлар томонидан ўтказилади.

Булар ҳаммаси - “ЭТАЛОН ТАРОЗИ”нинг, – “МАНФААТДОРЛИК”нинг, “РАҚОБАТ”нинг – кудрати!

– “СИФАТ” талаб даражасидан ҳам юқори бўлса, субъектлар ўртасида муносабатлар фақат объектив ва ҳалол бўлса, ҳамма баб-баробар оёқда тик туриб ҳалол меҳнат қилсалар, ҳалол ижод қилсалар, ҳар ким ўз меҳнатига яраша қадр топса, темир интизом ҳукумрон бўлса, қисқа қилиб айтганда- “МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯ СОҲАСИДА ФАҚАТГИНА ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ ҲУКУМРОН БЎЛСА, давлат бюджети сезиларли даражада иқтисод қилинса – “НУР УСТИГА АЪЛО НУР” – эмасми?

Бу шунчаки “ОРЗУ” эмас – бўлиши аниқ – “РЕАЛЛИК” дир!

© С.С. Каримова, 2019.